Ушбу сонда:
2 Таажжуб БОШБОШДОҚЛИК
3 TV - ДАСТУРИ
4 «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 4 май, жума №68 (1082)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЕТИБ КЕЛДИ

3 май, Москва. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвага етиб келди. «Внуково-2» аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Алексей Гордеев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ислом Каримов Кремлдаги расмий қароргоҳга жойлашди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россияга жўнаб кетди

Ташриф олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервю берди.

- Россия халқаро майдонда нуфузи анча баланд давлатлар сирасига киради,- деди жумладан Президент. - Давлатлараро муносабатларда унинг катта салоҳияти ва имкониятларининг инобатга олиниши табиий. Бинобарин, у билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни янги поғоналарга кўтариш Ўзбекистоннинг эртанги куни учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат халқаро майдонга чиқди, кўплаб давлатлар билан кенг алоқаларни йўлга қўйдик. Айниқса, яқин шеригимиз саналган Россия билан ҳам алоқаларимиз барқарорлашди. Энди икки томон учун ҳам муҳим вазифа ўзаро тенглик асосига қурилган мавжуд алоқаларни давлатларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бугун Ўзбекистонга жануб тарафдан таҳдид мавжудлиги кўпчиликка сир эмас. Президент Ислом Каримовнинг сўзларига қараганда, бу қалтис вазиятга эътиборсиз қараб бўлмайди. Мамлакатимизда, қолаверса, Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш айни пайтда энг долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Хавфсизлик борасида Россия билан ҳамкорликни кучайтириш, айниқса, унинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий имкониятларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Бу мақсадлар замирида халқимизнинг нафақат бугуни, балки эртанги фаровон ҳаётини таъминлаш ётибди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич қудратли Россия ҳамда юксак тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистон учун камлик қилади. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилса, томонлар ушбу рақамни 2 миллиардга кўтариши ҳеч гап эмас, бунинг учун шароит бор, деб таъкидлади Президент.

Россия ҳукумати раислигига Владимир Путин тайинланганидан сўнг, Ўзбекистон-Россия муносабатларида янги саҳифа очилди, десак хато бўлмайди. В.Путин ўзининг давлат раҳбари сифатидаги илк сафарини юртимиздан бошлаши эса Россиянинг Ўзбекистонга қизиқишининг, қолаверса, уни ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори сифатида қадрлашининг яна бир исботи бўлди.

Ўзбекистон демократик Россия билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш тарафдори. Шу мақсадда ушбу давлат ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди, янги режалар, янги ҳужжатлар устида ишланди. Айни пайтда давлатларимиз ўртасида 150 та ҳужжат имзоланган. Президентимизнинг Россия Федерациясига бу галги ташрифи чоғида яна ўнта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Жумладан, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи тўғрисида баёнот, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш бўйича шартнома, шунингдек, ҳарбий-техникавий, божхона ҳамда солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлар имзоланади.

4 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин билан яккама-якка суҳбат қуради. Музокаралар сўнггида эса ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилади. Шу куни давлатимиз раҳбари Россия ҳукумати раиси Михаил Касьянов билан ҳам учрашади.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

НУРОНИЙЛАР ШИФОХОНАСИДА

Муқаддасхон эндигина хонага кирган эди ҳамки, телефон жиринглади.

— Манноп ака, - у шундай деди-да, ўйга толди.

— Қизим, мен яқинда сизларда даволангандим. Тошкент биқинидаги «Ўзбекистон» хўжалигиданман.

— Танидим отахон, қалай, соғ-саломатмисиз?

— Раҳмат, сизларни дуо қилиб юрибман. Шу десанг, бир илтимос чиқиб қолди, уйимизга келиб-кетсанг.

— Маъқул, шу бугуноқ ҳузурингизда бўламан.

Табаррук инсон шифокорни илиқ қаршилади. Қўлини дуога очиб, яхши ниятлар билдирди.

— Сизлардан бениҳоя миннатдорман, яхши ҳордиқ чиқардим, дориларингиз кучи шекилли ўзимни бардам сезяпман. Шифокорлар меҳри минг дардга даво бўлғуси. Муддао шуки, шифохонада бўлганимда, ҳовли боғни кўздан кечирдим. Қаерга қайси мева дарахти экишни ўзимча чамалаб қўйганман. Савоб бўлар, мендан эсдалик қолсин, деб сархил кўчатлар тайёрладим. Мана улар — етмиш туп гилос, олма, олча, ёнғоқ, ўрик, шафтоли... Икки-уч йил ўтиб, улар ҳосилга кирса, даволанишга келган табаррук инсонлар мевасидан татишса, шунинг ўзи менга етарли.

— Ҳимматингизга балли, катта савоб ишга бел боғлабсиз, отахон.

Шу куни Манноп ака шифокор билан бирга сиҳатгоҳга келди. Бош ҳаким Муқаддас Ризаева тезда ходимларни тўплади. Миришкорнинг ўзи қаерга, қандай кўчат ўтказиш лозимлигини кўрсатиб турди. Кўпнинг кучи билан тез орада сархил кўчатлар экиб бўлинди.

Яхши ниятда қилинган ишни Худо қўллайди. Буни қарангки, кўчатлар бехато тутди. Ҳозирги кунда яшилликка бурканиб, кўзни қувонтирмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимилиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Нуронийлар шифохонаси»да ҳар йили неча юзлаб уруш ва меҳнат фахрийлари даволанишади. 150 ўринли бу масканда кардиология, неврология, терапия каби бўлимлар мавжуд. Отахон ва онахонлар бир бинонинг ўзида барча муолажани олиш имконига эгалар.

Даволаш маскани 1999 йили Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш арафасида илк бор уруш ва меҳнат фахрийларини ўз бағрига қабул қилганди. Бугунга қадар 4 минг нафардан зиёд киши бу ерда дардига даво топди, саломатлигини мустаҳкамлади. Олий тоифадаги мутахассислар, бўлим мудирлари Шарофат Далимова, Абдуқодир Азимов, Дилнура Амирова ва бошқалар аввало ўзларининг ширин муомалалари билан кишиларга малҳам бўлишмоқда.

Қўлимизда шу ерда дардларига шифо топган беморларнинг дил сўзлари ёзилган «Таклиф ва мулоҳазалар дафтари». Уни аста варақлаймиз. Битикларнинг муаллифлари республиканинг турли бурчакларидан келган кишилар.

— Шифохонага оғир аҳволда келганман, - деб ёзибди тошкентлик бемор Карима Алиева. - Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар ходимларнинг ўз касбига сидқидил муносабати, бой тажрибаси туфайли беш кун деганда оёққа турдим. Жонгажон шифокорлардан бир умрга миннатдорман.

Шифохонада даволанувчилар ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, умр бўйи элим деб, юртим деб меҳнат қилган мўътабар инсонлардир. Шунинг учун ҳам улар шароитини янада яхшилаш мақсадида турли ташкилотлар хайрия ёрдамини кўрсатмоқдалар. Чунончи, «Наврўз» жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва бошқалар чанг ютгич, дори-дармон, гилам-поёндозлар совға қилишди.

— Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасидан миннатдормиз, - дейди Муқаддасхон. - Таъмирлаш жараёнида ишларнинг кетишидан хабар олиб туришди. Етишмовчиликларни тўлдиришда биз билан бирга куйиб-пишишди. Зарур жиҳозлар сотиб олишимиз учун жамғарма раҳбарияти ҳисоб рақамимизга 2,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказди. Ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Юртимизда қариялар меҳру муҳаббат билан қуршаб олинган. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш юзасидан кўп иш қилинмоқда. «Нуронийлар шифохонаси»да бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримизнинг ёрқин тимсолидир.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Нуроний» жамғармасининг бош мутахассиси.

Қўшма корхоналар шарофати

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлатлараро ҳамкорлик янги, барқарор ривожланиш даврига кирди. Бинобарин, Ўзбекистонда 1994 йилдан буён иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Халқ хўжалигида янгидан-янги тармоқлар пайдо бўлиб, импорт ўрнини экспорт эгалламоқда. Бу ютуқлар замирида энг аввало иқтисодий ҳамкорлик ётибди. Биргина 2000 йилнинг ўзида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Экспорт ҳажмини ошириш, халқаро бозорга чиқиш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни мавжуд хом-ашёдан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳар бир мамлакат учун бирламчи вазифадир ва айтиш лозимки, Ўзбекистон бу жабҳада минтақада ўзига хос ўринга эгадир. Қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини яхшилашга тинимсиз эътибор қаратилаётгани ҳам аслида шундан. Ҳозирда Россия ва Ўзбекистон ишбилармонлари иштирокида тузилган 400 га яқин корхона ишлаб турибди.

Жалолқудуқ туманидаги «Подшивник» очиқ турдаги акционерлик жамияти Россиянинг «Ролтом» корхонаси билан тузилган шартнома натижаси ўлароқ, унинг бир маромда ишлаши таъминланди.

Бундан атиги бир йил муқаддам Ғаллаорол туманида Россиядаги «Балтимор-холдинг» масъулияти чекланган жамиятининг «Балтимор-Ғаллаорол» шўъба корхонаси ташкил этилган эди. Илгариги консерва заводи ўрнида барпо этилган кичик қўшма корхона бир кеча-кундузда 200 тонна турли-туман ёз неъматларидан ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ҳозирда ёзув қоғози муаммо бўлиб турган бир пайтда уни бартараф қилиш йўлида ҳам илк қадам ташланди. Наманганда барпо этилган «НамБум» Ўзбекистон-Германия-Россия қўшма корхонаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Россия тарафидан «Рефром Экспресс» компанияси 14 фоиз улуш билан таъсисчи сифатида қўшилди.

Қўшма корхоналар чет эл капиталини жалб қилишнинг энг самарали шакллардан биридир. Уларнинг фаолиятини, аввало, иқтисодиётда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, техник қайта жиҳозлаш ва юқори технологияни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Нуротада Россия технологияси асосида тўлиқ жиҳозланган «Жунни қайта ишлаш» кичик корхонаси ишга туширилганига ҳеч қанча бўлмай, 36 тонна маҳсулотга ишлов беришга эришилаётгани бу ҳамкорлик ўзаро манфаатларга хизмат қилишидан далолат бермоқда. Қўқонда «Механика заводи» ҳиссадорлик жамияти қошида Москванинг «Стройметснаб» корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Машъала» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Низом жамғармаси 160 миллион АҚШ доллари бўлган қўшма корхона асосан қурилиш индустрияси учун металл конструкциялари тайёрлаб беришга ихтисослашган. Янги корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 60 миллион сўмдан зиёддир. Дарвоқе, биргина Фарғона вилоятида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 13 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айни кунда Россияда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг қирқдан зиёд корхонаси, Москва, Санкт-Петербург, Саратов каби шаҳарларда унинг шаҳобчалари ишлаб турибди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожида ижтимоий соҳадаги алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Устоз» жамғармаси Москва Давлат университети билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистонлик шифокорлар Россиянинг нуфузли тиббиёт марказларида малака ошириб қайтмоқдалар. Яқинда Тошкентда Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ваколатхонаси иш бошлади. Икки давлат ўртасида транспорт коммуникацияси, сайёҳлик каби соҳаларда ҳам алоқалар жадал ривож топиб бормоқда. Ҳозирда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Россиянинг бир қанча йирик шаҳарларига йўловчи ташиш рейсларини йўлга қўйди.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиз кимё саноати салоҳиятини ошириш, жаҳон андозаларига мос, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўзининг муносиб ўрнига эга.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Кейинги пайтда чет эл фирмалари, айниқса Россия корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхона Россияга 40 минг тонна нитрон толаси, 3,8 минг тонна уксус кислотаси, 277 тонна унифлок, 312 тонна ацетальдегид ва бошқа кимёвий маҳсулотларни экспорт қилди. Шу даврда 1 миллион 170 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси олиб келди.

Ўз навбатида Россия саноат корхоналари ҳам қараб тургани йўқ. Навоийлик кимёгарларга зарур бўлган подшипник, электрод, насос, двигатель, катализатор, кимёвий аралашма каби ускуна, эҳтиёт қисм ва жиҳозлар жўнатиб турибди.

Бирлашма кимёгарлари жорий йилда шимоллик ҳамкорлари билан россиялик истеъмолчиларга 2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш, янги савдо уйлари очиш масаласида келишувга эга.



«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

Суратларда: Ғолибларни тақдирлаш пайти.

А.РИСҚИЕВ,
Б.ТЎРАЕВ
(ЎзА) олган суратлар.

«МАҲОРАТ» МАРКАЗИ

Навоийда вилоят ҳокимининг қарорига биноан «Маҳорат» ўқув маркази ташкил этилди. Навоий Давлат кончилик институтининг «Малака ошириш ва қайта тайёрлаш» факультети қошида фаолият бошлаган марказ ўз олдига вилоятда раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий билим даражасини оширишни мақсад қилиб қўйган.

(ЎзА).

Долзарб мавзу

БЎШ ИШ ЎРНИ БОР

аммо уни қандай тўлдириш мумкин?

Бир қарашда бу савол сал ғалати туюлиши мумкин. Аммо, Гулистон шаҳри ва унга ёндош икки туман аҳолисининг иш билан бандлик даражаси таҳлил қилиб кўрилса, масала ойдинлашади. Бугун шаҳар корхоналарида ишлайдиган ходимларнинг қарийб ярми Мирзаобод ва Гулистон туман аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Ҳар уччала ҳудудда етарлича бўш иш ўринлари ҳам, ўзига муносиб иш ўрнига эга бўлиш орзусида юрганлар ҳам мавжуд. Яширишга не ҳожат, ўз эгасини топмасдан бекор турган дастгоҳлар ҳам, бекор юрган ёшлар ҳам талайгина. Шароит минтақада ишсизлик муаммоси авж олмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни қўллашни тақозо этмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорликда ҳудудда ишсизлик ва бўш иш ўринлари ўртасидаги мувозанатни тенглаштириш ташаббуси билан чиқди. Гулистон шаҳри, Мирзаобод ва Гулистон туманларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари, вакант лавозимлар заҳираси билан танишилди. Имкониятлар катта. Ҳар уччала ҳудуддаги иш изловчилар ўзларига муносиб ўринларни у ёки бу ташкилотдан топиши мумкин. Фақатгина ана шу жой ўз эгасига тавсия этилса бўлгани. Бу муаммони эса меҳнат бозорини ташкил этиш билан ҳал қилиш мумкин. Шундай бўлди ҳам.

— Ишчи кучларига эҳтиёжманд 80та корхонани таклиф этдик. Шундан 68таси ўз йўналишини тўла намоён этган ҳолда иштирок этди, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. - Иш излаётганларга 542 бўш иш ўрни тавсия этилди. 124 нафар фуқаро рўйхатга олиниб, шу куниёқ 44 нафари ишга жойлаштирилди. 30 кишига эса касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тушунтиришлар берилди.

Меҳнат бозорига катта умид ва ишонч билан келганлар кўп эди. Уларнинг аксарияти ёшлар экан. Катта ҳаёт остонасига энди қадам қўйганлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ, касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш, бизнесни ривожлантириш, пенсия таъминоти, иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун билан атрофлича танишишга муваффақ бўлдилар. Уларга ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси, ишловчи ва иш берувчи мажбуриятлари атрофлича тушунтирилди.

— Бу йил касб-ҳунар лицейини тамомлаш арафасидаман, - дея суҳбатни давом эттирди Азиза Ёрбекова. - Тикувчилик ихтисосини оламан. Ҳозирданоқ ўзимга мақбул иш ўрнини топдим, десам ҳам бўлаверади. Тўғриси, бизларга «Лола» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти анча манзур бўлди. Сира иккиланмасдан ишга шу ерга келаман. Чевар опаларимиз шогирдликка қабул қилишга ваъда беришди.

Иш изловчиларнинг ёши ҳам, дунёқараши ҳам турлича. Кимдир йирик саноат корхоналарида ишлашни исташса, бошқалари деҳқончиликка бел боғлашади. Муҳими, улар учун мақбул иш ўринларига тавсиялар, таклифлар бор. Таъбир жоиз бўлса, меҳнат бозорида иштирок этган муассасалар вакилларига ҳам малакали ходимларни танлаш имкони туғилди.

— Гулистон туманининг шаҳарга туташ қисмида яшаймиз, - изоҳ беради Шерзод Алиев. - Очиғи, бекорчиман. Аммо энди бу номдан қутуладиган бўлдим. Тажрибатаъмирлаш заводида менбоп иш бор экан. Ўзимни ана шу ўринда синаб кўрмоқчиман.

Мирзаобод туманида эса бу борада бир қатор ибратли тажрибалар қўллаб келинмоқда. Меҳнат бўлимига ўтган уч ойда 19 нафар вояга етмаган ишсизлар мурожаат қилган. Қисқа фурсатда уларнинг 18 нафари иш билан таъминланган. Улар ишлаётган ташкилотларда ўсмирлар қонун талабларида кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланиб келишаётир.

— Бўлимимизга 139 фуқаро иш сўраб мурожаат қилди, - фикрини ифодалайди меҳнат бўлими бошлиғи Акмал Абдухоликов. - 57 нафарини иш билан таъминладик. 12 нафарини эса касб ўрганиш учун, 27 нафари вақтинчалик жамоат ишларига юборилди. 36 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Вилоятда ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида бир қатор ибратли ишларга қўл урилмоқда, бу борада меҳнат бўлимлари ва прокуратура ҳамкорлиги юқори самара бераяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ёзёвон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасига қарийб 15 йилдан буён Раимжон Маматкаримов раислик қилади. Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати натижасида санациядан чиқиб, ширкат хўжалиги катта жамоа мақомини олди.

Бугунги кунда касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 2200 нафар аъзони бирлаштирган. Меҳнат ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳамда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояларини таъминлашда жамоа шартномалари асосий манба бўлмоқда. Хусусан; ўтган йили меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадига 4 миллион 906 минг сўм маблағ сарфланди. Яъни бу миқдор ҳар бир ишловчига ўртача 22 минг 300 сўмданга тўғри келди. Шу ўринда касаба уюшмаси олиб бораётган ишларни таъкидлаш жоиз.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашни касабақўм биринчи навбатдаги вазифаси деб билади. Дарҳақиқат, қишлоқ катта, аҳоли зич, шу боис уларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар фаолияти назардан четда қолмаётир.

Ҳозирда қишлоқ аҳолисига 21 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 та маданият уйи, 3 та кутубхона, 3 та болалар боғчаси, тиббий хизмат кўрсатиш маскани ва 8 та савдо дўкони хизмат қилмоқда.

Айниқса, касаба уюшма қўмитасининг хўжаликда истиқомат қилаётган 169 нафар ногирон, 20 нафар ёрдамга муҳтож, 533 нафар кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор бераётгани барчани қувонтирмоқда. Касаба уюшмасида бу кишиларнинг махсус рўйхати мавжуд бўлиб, хўжалик бошқаруви билан ҳамкорликда ўтган йилнинг ўзида уларга салкам бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, қўмита ўз фаолиятида сайлаб қўйилган касаба уюшма фаолларига таянади. Шунинг учун бу ерда оммавий ва маданий-маиший ишлар, жисмоний тарбия ва спорт, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш, уй-жой таъминоти, меҳнатга ҳақ тўлаш доимий комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар билан ишлаш доимий комиссияларининг ҳамкорликда олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Уларга Солижон Ортиқов ва Арслонбек Маҳмудбеков сингари тажрибали фаоллар раҳбарлик қилмоқдалар.

Хўжаликнинг 4000 ўринли футбол ўйингоҳи ҳам ёшлар ихтиёрида. Бу ерда касабақўм фаоллари бошчилигида доимий равишда турли-туман спорт мусобақалари ўтказилади.

Шунингдек, ўғил-қизларнинг каратэ, футбол, волейбол каби спорт турлари билан шуғулланишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида ҳам кўплаб ибратли ишларни амалга оширилмоқда. Ўтган соғломлаштириш мавсумида қишлоқ заҳматкашларининг фарзандлари тумандаги «Гулшан» болалар дам олиш оромгоҳига бепул йўлланмалар билан таъминландилар. Хўжаликнинг 11 нафар аъзоси эса турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтдилар. Жорий йилги мавсумда бу кўрсаткичларни янада ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Бундан ташқари касаба уюшма қўмитаси «Соғлом авлод йили»да туғилган болажонлар учун Халқ банкида омонат дафтарчалари очиб, улар номига яхши ниятда 1000 сўмдан маблағ қўйдилар.

«Оналар ва болалар» йилида эса хўжаликка қарашли 3 та болалар боғчаси оталиққа олинди.

Қодиржон РУСТАМОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ёзёвон туман қўмитаси раиси.



Бундан бир йил муқаддам Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалиги ўрамида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга тушганди. Айни пайтда Тўрамурод Каримов раҳбарлик қилаётган «Нурафшон» савдо хўжалик корхонаси томонидан пиширилаётган нон маҳсулотлари қарийб 20 минг аҳоли эҳтиёжини қондирмоқда. Бир ойда 1,5 миллион сўмлик иссиқ нон оққўрғонликлар дастурхонига тортиқ этилмоқда. Бу борада ишчилардан Алишер Назипов, Бахтиёр Йўлдошевларнинг жонбозлиги таҳсинга лойиқдир. Айни кунларда корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида меҳнат қилинмоқда

Суратларда: ишчилар А.Назипов ва Б.Йўлдошевлар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

МАҚСАДДА КОМИЛ БЎЛАЙЛИК

Асосий Қомусимизнинг жамиятимиздаги ўрни, моҳиятини ҳар бир қалбга чуқур сингдириш, ёш авлод ҳуқуқий онги, тафаккури ҳамда маданиятини юксалтириш борасидаги ишларни замон талаблари даражасида ташкил этишда Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши катта аҳамият касб этади. Бу тадбиркорлар касаба уюшма ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Табиийки, мактабларимизда таълим олаётган ўқувчиларимиз орасида тадбиркор бўламан, дейдиганлар кўп. Шу боис тармоқ касаба уюшма вакиллари халқ таълими муассасалари билан алоқани мустаҳкамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бухоро шаҳридаги «Гуфик-Авиценна» ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси жамоасининг бир кунлик иш ҳақини халқ таълими ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги вилоят тадбиркорларига мурожаати Ўзбекистон кичик ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Хайрли ҳаракат шарофати билан тегишли ҳисоб рақамларига тушган маблағ 11 миллион сўмдан ошди.

Оналар ва болалар йилида белгиланган савобли тадбирларни изчил амалга оширишда ҳам тадбиркорлар бўш келишмаяпти. Хусусан, корхоналар маблағи ҳисобидан болалар дам олиш масканларига, сиҳатгоҳларга бериладиган йўлланмалар қийматини қисман қоплаш, мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш, ёш болали аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлашда моддий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор тубдан яхшиланди. Бултур ёз ойида Чирчиқда тадбиркорлар ўртасида мини футбол бўйича ўтказилган республика мусобақаси мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Эндиликда теннис, шахмат-шашка, воллейбол, баскетбол ишқибозлари кўпайиб бормоқда.

Яқинда Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдаги мажлисида таъкидланганидек, спортга эътибор ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Навоий, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари тадбиркорлари ўртасида мусобақалар ўтказиш суст. Тарғибот-ташвиқот ишлари жонланмаяпти. Бу муҳим ишга тармоқ касаба уюшма қўмиталари сметадаги 25 фоиз ўрнига бор йўғи 4 фоиз маблағ ажратганликлари ажабланарли ҳол. Қатор вилоятларда спорт майдончалари ҳанузгача ташкил этилмаган. Тегишли жиҳозлар, кийимкечаклар етишмайди.

Марказий қўмитанинг раёсат қарорига биноан республикада «Тадбиркор — спорт» маркази ташкил этилганди. Афсуски, ушбу марказ кутилган даражада фаолият юритмаётир. Кўп ўринларда ташкилотчилик етишмаётганлиги қузатилмоқда.

Мамлакатимиздаги кичик, ўрта ва хусусий корхоналар, деҳқон, фермер хўжаликларидаги кишиларнинг амалдаги қонунларимизни етарли даражада билмасликлари натижасида банкротга учраётган корхоналар ҳамон учраб турибди. Мутасаддилар ҳуқуқий саводхон бўлганларида эди, меҳнат биржалари томонидан ажратиладиган тўловларни ўз вақтида олиб, муҳим иш билан таъминлаган бўлардилар. Бу касаба уюшма етакчилари меҳнат қонунларини омма ўртасида тарғиб қилиш, маънавият-маърифат ишларини шу кун талаби даражасида ташкил этишга лозим даражада киришмаганликларини кўрсатади.

Кўпгина касаба уюшма ташкилотларида клублар, кутубхоналар йўқ. Баъзи жойларда маънавият бурчаклари номигагина ташкил этилган. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш энг оммавий жамоат ташкилотининг асосий вазифасидир. Бахтга қарши бошланғич ташкилотлар муросасозлик йўлини тутаётганликлари сабабли қайсидир жамоаларда маошлар ўз вақтида берилмаётир. Масалан, Жиззах, Қашқадарё, Навоий вилоятларидаги тегишли тармоқларда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

Республикамиз ҳукумати, ҳурматли Президентимиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор бериб келмоқда. Гап мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатишда қолган.

О.САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ВАТАН ЯГОНАДИР...

«Насаф» ўйингоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» деб номланган ёшлар фестивали ўтказилди. Фестивалга таклиф қилинган пойтахтлик «Хўжа» ва «Фирдавс-Н», вилоятдаги «Асл», «Синтез», «Асал» эстрада гуруҳларининг чиқишлари ўйингоҳга йиғилган минглаб мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлди.

- Фестивални ўтказишдан мақсад ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларда она-Ватанга, юртга меҳр-муҳаббат ҳиссини кучайтиришдир. Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча туманларида, қишлоқ ва шаҳарларда ўтказилади. Концертдан тушган маблағнинг бир қисми қишлоқ спорти ривожига сарфланади, - дейди «Фидокорлар» партияси вилоят кенгаши котиби О.Очилова.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида ёш истеъдодларнинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзуидаги мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Оналар ва болалар йилига бағишланган ушбу тадбирда мусиқа мактабларида таҳсил олаётган болалар ва уларнинг мураббийлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз мусиқа мактабларида ўқиётган ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни келгусида етук мутахассис бўлиб етишишлари борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, қалбида санъат жо бўлган инсон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Шу боис, ёш истеъдодлар фестивалларида уларда санъатга, мусиқага бўлган иштиёқни янада кучайтиришга хизмат қилади.

(ЎзА).

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Global Source Net (GSN) халқаро ташкилоти Нукусда ўзининг бўлимини очди. Бўлим директори Ларри Холлнинг сўзларига кўра, GSN Қорақалпоғистонда аҳолининг ижтимоий ва моддий фаровонлигини оширишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Қорақалпоқ олимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Чўл ҳудуди шароитларида сувни тежаш технологияси» лойиҳаси бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Унга кўра тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, Нукус ва Тахтакўпир туманларида ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича ўқув ва маслаҳат хизматлари ташкил этилади. Айни пайтда лойиҳа ижрочилари томонидан ушбу туманларда ер ости суғориш техникасини қўллаш имкониятлари ўрганилмоқда.

— Келгусида биз Орол бўйи аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш, улар учун тил ўрганиш дастурларини тайёрлаш ҳамда бу ерда спортни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз, - деди Ларри Холл.

Тааҳжжуб

Ҳамида Раҳмонова Олтинсой туманидаги 22-ўрта мактабнинг собиқ директори. Тажрибали, ташкилотчи бу аёл йиллар мобайнида Денов, Олтинсой туманлари ҳокимликларида фаолият юритди. Сўнгра Низомий номли мактаб раҳбари этиб тайинланди. Имкон қадар ишончни оқлашга, таълим-тарбия ишларини яхшилашга ҳаракат қилди. Лекин кунларнинг бирида, кутилмаганда Олтинсой туман халқ таълими бўлими мудирининг буйруғи билан вазифасидан бўшатилди.

БОШБОШДОҚЛИК

— Қизиғи шундаки, - дейди опа, — бирон-бир огоҳлантиришсиз, менинг шахсий иштирокимсиз йиғилиш ўтказиб, ишдан олишди. Ноқонуний йўл тутилганлиги кўплаб кишиларни ажаблантирмоқда.

Табиийки, собиқ директор ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб Олтинсой туман прокуратурасига мурожаат этди. Унинг аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўтган йилнинг октябрида мазкур иш юзасидан прокурор протест келтирди. Шундан сўнг халқ таълими бўлими мудири А.Жалилов директорни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиб, уни вазифасига тиклашга мажбур бўлди.

Маорифчилар «Адолат тикланди, энди Ҳ.Раҳмонова ўз фаолиятини эмин-эркин давом эттириш имкониятига эга бўлди», деб ўйлашганди. Бироқ янглишган эканлар. Жорий йилнинг 2 феврал куни мактаб директори яна ишдан олиниб, ўқитувчиликка ўтказилди.

Савол туғилади: хўш, унга нисбатан нега бундай тескари муносабат бўляпти? Аниқланишича, Ҳ.Раҳмонова илм масканининг раҳбари сифатида таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш, интизомни мустаҳкамлаш мақсадида талабчанликни бир қадар кучайтирган. Дарсларга баъзан кечикиб келадиган, конспект олмайдиган ўқитувчилар фаолиятига муносиб баҳо берган. Айни пайтда мураббийнинг ташқи қиёфаси замон даражасида бўлиши лозимлигини алоҳида уқтирган. Бу эса кимларгадир ёқмади. Пировард натижада бир гуруҳ ўқитувчилар унинг устидан ариза ёзишга тушдилар... Лекин бу ёзув-чизувдан собиқ директор негадир хабардор қилинмаган.

Ниҳоят жабрланувчи туман Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди. Денов туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судидан ҳам ёрдам сўради. Шу йилнинг март ойида Олтинсой туман суди биносида судья Ф. Ашуров раислигида масала адолатли тарзда кўриб чиқилди. Унда иштирок этган Олтинсой туман халқ таълими бўлимининг ходимлар бўлими бошлиғи Б.Абдулбоқиев Ҳ.Раҳмоновани ишдан олишда қонун талаблари бузилганлигини эътироф этишга мажбур бўлди.

Чиндан ҳам, директорни лавозимидан бўшатишда аввало касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши керак эди. Зеро, 2001 йилнинг 1 январида имзоланган келишув шартномасининг 27-бандида «Мутахассислар бўйича кадрларни ишга қабул қилиш, озод қилиш, штатларни қисқартиришда бевосита Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан келишиш» лозимлиги кўрсатилган.

Судда гувоҳ сифатида иштирок этган С.Абдуллаева, Д.Муродова ва бошқалар Ҳамида Раҳмоновага ҳеч қандай адоватлари йўқлиги, мактабда ўқитувчилар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб кетганлиги умумий ишга, соғлом муҳитга салбий таъсир ўтказаётгани, «ёз-ёз» кўпаяётганлигини таъкидладилар.

Суд тарафларнинг баённомаларини тинглаб, фуқаролик ишидаги ҳужжатлар билан батафсил танишиб, адолатли тўхтамга келди. Олтинсой туман халқ таълими бўлимига Ҳ.Раҳмоновани қайта ишга тиклаш, иш борасидаги фарқни ундириб бериш хусусидаги даъво аризасини қаноатлантириш вазифасини топширди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Суд қарори эса бажарилиши шарт. Бироқ ажабланарли жойи шундаки, туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи К.Худойбердиев жабрланувчини қайта ишга тиклаш ҳақидаги қарорга имзо чеккан бўлса-да, лекин унинг ижросини таъминлашни ҳамон пайсалга солиб келмоқда. Ва унинг ўзи, на муовини мактабга бориб, қайтадан қабул ишларини бошлашни ўзларига эп кўришмаяпти. Бундан кимга фойдаю кимга зиён? Ўз камчилигини мардона тан олиш, бир аёл, тажрибали педагогнинг мушкулини осон қилиш шунчалар қийинми?

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» бонг уради

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Кейинги пайтларда Қарши шаҳрида ичимлик суви таъминотида узилишлар бўлиб турибди. Бунинг асосий сабаби шаҳардаги сув қувурларининг эскирганлигидир.

Биз Қарши шаҳар сув идорасига етиб келганимизда вақт тушга яқинлашиб қолган эди. Навбатчи диспетчер Юсуф Муродовнинг хонасида телефон тинимсиз жиринглайди.

— Шаҳарнинг Беклар маҳалласидаги Сайқал, М.Турсунов, Ғозғузар маҳалласининг Беруний кўчаларида 5 кундан буён сув йўқ, — дейишади телефон орқали сим қоқувчилар. Бу камчилик қачон тугатилади?

Шу ерда Қўрғонча маҳалла қўмитаси раиси Эшмурод Болтаевни учратиб қолдик.

— Маҳалламизнинг еттита кўчасида бир ҳафтадан буён ичимлик суви йўқ, — дейди оқсоқол. — Аҳолининг ҳақли этирози кўпайиб кетди. Шунинг учун шаҳар «Сувоқова» идорасига ўзим келдим.

— Бизда ҳам ҳудди шу муаммо, — суҳбатга қўшилди Мағзон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекмурод Ҳақназаров. — Ҳайронман, қачон шу ташвишдан қутуламиз. Бу ёғи ёз бўлса. Тозаликка риоя дейсиз, сувсиз унга амал қилиш мумкинми?

Қарши — вилоятнинг аҳоли кўп яшайдиган ўрами. Шаҳарда 62 та маҳалла, 10 та миттитуман бўлиб 220 минг нафар киши истиқомат қилади. Аҳолининг 93 фоизи марказлашган ичимлик сувидан, 7 фоизи ташиб келтириладиган сувдан фойдаланади. Қаршиликларга шаҳар «Сувоқава» идораси, «Шўртангаз» конлари бошқармасига қарашли «Промэнерго» корхонаси ҳамда «Агросувканал» трести ичимлик суви етказиб беради.

Айниқса, шаҳарнинг Қўрғонча, Мағзон, Дарвозатутак, Арабхона, Араловул маҳаллалари кишилари обиҳаётдан қийналишаяпти.

— Санитария талабларига асосан бир кеча-кундузда киши бошига 450-500 литр тозаланган сифатли сув етказиб бериши керак, — суҳбатни давом эттирди Қарши шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош врачи Тилов Норбадалов. — Лекин бу рақам 100-150 литрдан ошмаяпти.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш масаласи шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилишида бир неча марта кўриб чиқилди. Аҳолига кафолатланмаган сифатсиз сув узатганлиги учун шаҳар «Сувоқава» корхонаси бошлиғи Ж.Худойбердиевга ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима солинди.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан ишда силжиш кўринмаётгани ачинарлидир. Хўш, узилишлар қачонгача давом этади? Ичимлик суви таъминоти қачон яхшиланади?

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Самарқанд Давлат университетида Европа Иттифоқи таълим ва маданият бош дирекцияси таълим фонди комиссиясининг анжумани бўлиб ўтди. Айни пайтда СамДУ, МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича 2001-2002 ўқув йили учун тақдим этилган «TEMPUS» дастури лойиҳалари танлови ўтказилмоқда.

«TEMPUS» ТАЪЛИМГА КЎМАКЛАШАДИ

Комиссиянинг йиғилиши биринчи бор Европадан ташқарида ва айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтмоқда. Бу эса мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилаётганидан далолат.

«TEMPUS» - Европа Иттифоқи ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик дастуридир. Ушбу дастур 1990 йилда Европа Иттифоқининг Вазирлар Кенгашида тасдиқланган. 1999 йилда мазкур кенгаш «TEMPUS»нинг 2000-2006 йилларга мўлжалланган сўнгги дастури кучга кирганлигини маълум қилди.

Ҳамкорликдаги Европа лойиҳалари ва тармоқлар яратиш бўйича лойиҳаларнинг асосий мақсади «TEMPUS» доирасида эришилган натижаларни татбиқ қилишга кўмаклашиш, университетларнинг халқаро ҳамкорлик тармоқларини яратиш, минтақавий алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон бу дастурга 1994 йилда қўшилган ва ўша даврда 6 та лойиҳа мўлжалланган эди. Ҳозир республикамизда 12 та лойиҳа бажарилмоқда. Шунингдек, «TEMPUS» дастури доирасида Самарқанд университетида Милан политехника институти билан ҳамкорликда ташкил қилинган «ИРОСАМ» халқаро алоқалар маркази муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Анжуман давомида Европа Иттифоқи таълим фонди, комиссияси ҳамда чет эллик экспертлар гуруҳи танловга қўйилган лойиҳаларни баҳолайди.

(ЎзА).

TV дастури

7-13 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Камолиддин Беҳзод».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Нозикойим». Бадиий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Сеҳрли чироқ». Мультфильм.
16.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.35 ТВ-клип.
16.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 **Экранда - телесериал. «Борже узуги».**
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Мусиқий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.30 «Маънавият» дастури.
«Спорт» дастури:
22.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.50 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Қатта танаффус».
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.40, 15.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 «Танбур». Телефильм.
12.10 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 Мультфильм
13.15 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.10 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфази фарзандлари».
15.10 «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
16.20 «Эҳтиросларга йўғрилган ўйин». Видеофильм.
16.40 Ёшлар куйлайди.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.
17.50 «Мультфильм».
18.05 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.

18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 Алишер Навоийннинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
20.20 Олтин мерос.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.20 Ёшлик наволари.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «2001 йил – Оналар ва болалар йили». «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Сухбатдош».
22.10 «Авто-news».
22.25 «ТВ плюс».
23.30 «Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30–8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Болалар куйлаганда».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Саёҳатлар олами».
17.40 «Клип антракт».
РЖТ
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

ЎзТВ-IV

20.40 «Бизнес-ревю».
20.50 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.10 «Клип антракт».
21.25 Кинематограф. «Доно Мондуҳай хоним». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Камолиддин Беҳзод».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Нозикойим». Бадиий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Сеҳрли чироқ». Мультфильм.
16.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.35 ТВ-клип.
16.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 **Экранда - телесериал. «Борже узуги».**
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Мусиқий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.30 «Маънавият» дастури.
«Спорт» дастури:
22.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.50 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Қатта танаффус».
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.40, 15.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 «Танбур». Телефильм.
12.10 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 Мультфильм
13.15 «Етти фарёд». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.10 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфази фарзандлари».
15.10 «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
16.20 «Эҳтиросларга йўғрилган ўйин». Видеофильм.
16.40 Ёшлар куйлайди.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 21-қисм.
17.50 «Мультфильм».
18.05 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 17-қисм.
20.20 Олтин мерос.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.20 Ёшлик наволари.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «2001 йил – Оналар ва болалар йили». «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Сухбатдош».
22.10 «Авто-news».
22.25 «ТВ плюс».
23.30 «Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30–8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Болалар куйлаганда».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Саёҳатлар олами».
17.40 «Клип антракт».
РЖТ
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

ЎзТВ-IV

20.40 «Бизнес-ревю».
20.50 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.10 «Клип антракт».
21.25 Кинематограф. «Доно Мондуҳай хоним». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Қўҳна замин оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.30 «Алпомиш». Мультфильм.
9.50, 12.50 ТВ-метео.
9.55 «Тиббиёт одимлари».
10.05 ТВ-клип.
10.15 «Камолот сари».
10.35 «Алиса». Мультфильм.
11.50, 14.05 ТВ-анонс.
12.00 Янгиликлар.
12.05 «Оталар чойхонаси».
12.55 «Бардош». Бадиий фильм.
14.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
14.35 «Остонаси тиллодан».
15.00 Болалар учун. «Зарб-2001» кўрик-танлови.
15.25 «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.55 Мусиқий альбом.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Мусиқий дастур.
22.00 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.20 «Олам». Телеальманах.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Мультомоша».
9.15 Болалар учун концерт.
9.35 «Самовий саргузаштлар. Болалар учун телесериал. 22-қисм.
10.00 «Давр». Ахборот дастури.
10.15 «Алишер Навоий». Видеофильм. 18-қисм.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
12.15 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
12.35 «Ҳақиқат чегарраси» Телесериал.
13.00 Марду майдон.
13.15 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари куйлайди.
14.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
15.50 Таваккал Қодиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
16.05 «Ҳотира майдони». Телефильм.
16.25 Комилжон Отаниёзов қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».
17.00 «Мультомоша».
17.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
17.40 Мусиқий лаҳзалар.
17.50 «Хотира». Видеофильм.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Ёшлик наволари.
19.55, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.30 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий фильм.



20.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 19-қисм.
21.20 Юлдуз Усмонова: «Сени куйлайман, Ўзбекистон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
0.10 «Давр». Ахборот дастури.
0.25-0.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 23.05, 00.40 «Пойтахт». Ахборот дастури
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 «Соғинч». С. Зуннунова.
19.40, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.10 «Ўз касбининг фидойилари».
20.20, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
20.40 «Мисли гавҳар».
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 «Сиз соғинган наволар».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Тўйлар муборак».
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Болалар куйлаганда».
17.05 Телефильм.
17.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм.
19.20 «Кўнгил - кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
РЖТ
20.00 «Время».

ЎзТВ–IV

20.40 «Бизнес-ревю».
20.50 «Вақт хазинасидан».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
22.30 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 Кундузги сеанс: «Кечи-ролсанг, кечир мени». Бадиий фильм.
11.40 «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
12.05 «Инсон ва қонун».
12.30 «Барака ёмғири». Мультфильм.
12.40 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Мусиқий дастур.
13.15 «Олам». Телеальманах.
13.55, 16.50 ТВ-анонс.
14.10 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
14.50 «Озода бўлса шаҳринг».
15.05 «Қуйлардан қўшиқларга».
15.30 **Кундузги сеанс:** «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
17.00 «Талабалик йилларим».
17.20 ТВ-клип.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Ифтихор».
18.50 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.10 «Юки ерда қолмас элимнинг».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 **II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан. «Парламент вақти».**
21.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов.
21.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Истиқлолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
22.45 «Саҳна ҳаёти».
23.15 «Ахборот».
23.50 **Тунги сеанс**: «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».
9.35 Мультфильм.
9.55, 10.15, 14.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.25 «Алишер Навоий». Видеофильм. 19-қисм.
10.55 Олтин мерос.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Бегойим.
12.10 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.20 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
15.55 Сенинг вақтинг.
16.15 Спорт-қитъаси.
16.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.30 «Мультомоша».
17.45 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 23-қисм.
18.10 Далил ва шарҳ.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 20-қисм.
20.30 Мусиқий лаҳзалар.
20.35 Мезон.
20.55, 21.55, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
21.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Эътиқод».
22.10 «Ёшлар худуди».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Болалар куйлаганда».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Икки рояль».
17.40 «СНН-шоу».
РЖТ
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 «Мэри хоним». Бадиий фильм.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

ЎзТВ-IV

20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Дипкурьер».
21.05 «Кино сайёраси».
21.15 «Клип антракт».
21.30 Кинематограф. Эйс Вентура: «Уй ҳайвонларини қидириш». Бадиий фильм.
22.50 **«Ахборот» (рус тилида)**
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар».
9.15 «Афшона» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 **Болалар экрани:** «Шум бола». Бадиий фильм.
11.50 «Муҳофаза».
12.05 «Акаиро». Мультфильм.
12.30 «Кодекс».
12.45 «Озод юрт одамлари».
13.00 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.25 «Саҳна ҳаёти».
13.55, 15.10 ТВ-анонс.
14.10 «Парламент вақти».
14.30 «Билим-ринг».
14.50 Лирик тароналар.
15.15 Кундузги сеанс: «Зирапча». Бадиий фильм.
16.45 «Битик».
17.05 ТВ-интернет.
17.10 Экранда телесериал. «Борже узуги».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида.
22.35 «Тошкент баҳори - 2001». I Халқаро мусиқа фестивалининг очилиши.
23.15 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Олам». Телеальманах.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 23-қисм.
10.00 «Давр»-интервью.
10.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.45, 15.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Алишер Навоий». Видеофильм. 20-қисм.
11.35 Олтин мерос.
11.40 «Даллас». Телесериал.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
13.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.50 «Мезон».
15.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
15.35 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 24-қисм.
17.45 «Мультомоша».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.10 Автосалтанат.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ёшлик наволари.
19.50 Саломат бўлинг.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Аср қиёфаси.
20.35, 21.05, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
21.10 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Ҳуқуқимиз кафолати».
18.30, 21.00, 23.05, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дорихона эшитади».
22.45 2001 йил – Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар».
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35 Оҳанглар ва эълонлар.
00.40 Кинонигоҳ. «Саргузашт излаб».
2.15-2.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Болалар куйлаганда».
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 CFI тақдим этади: «Шамбор қасрининг сирлари».
17.50 «Подиум».
РЖТ
18.25 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

ЎзТВ–IV

20.45 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бомонд».
21.20 «Дурдаршан».
21.45 «Клип антракт».
22.00 Кинематограф. «Уйланишни истамайман». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Оқ бўталоқ», «Оқ қарқара». Мультфильмлар.
9.50, 11.55 ТВ-метео.
9.55 «Нурафшон». Тележурнал.
10.15 Телевизион новеллалар театри
11.15 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
«Тирик сайёра» кинодастури:
11.40 «Ноилож сайёдлар - 3». Ҳужжатли фильм.
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
12.50 ТВ 1 кинотеатри: «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
14.25 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.40 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.40 «Қалб гавҳари».
16.00 «Гольф-клуб».
16.15 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
17.10 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
17.40 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.00 «Санъат олами».
18.20 «Бинафша». Тележурнал.
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида.
22.05 «Мусиқор». Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова билан учрашув.
22.30 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.55 «Бозигар». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 24-қисм.
9.45 Табобат оламида.
10.05, 16.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 Жаҳон жуғрофияси: «Чесопик кўрфази фарзандлари».
11.05 Аср қиёфаси.
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.25 Сийрат.
12.45 Мусиқий дастур.
13.05 «Рамаяна». Телесериал.
13.40 Кутилмаган меҳмон.
14.00 Бола тилидан.
14.30 Мусиқий дастур.
14.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
15.15 Қўҳна оҳанглар.
15.25 Мультомоша.
15.40 Синфдош.
16.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 25-қисм.
17.50 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
18.10 Ёшлар куйлайди.
18.25 Футбол плюс...
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55, 20.35, 23.05 ЭЪЛОНЛАР
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 Ёшлар овози.
21.00 Ёшлик қўшиқлари.
21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Бунёдкорлик». «Одамларнинг ғамини ўйлаб...»
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 ТВ-саёҳат.
23.10 «Аёл таровати». Бадиий фильм. 1-қисм.
0.30 Дирижабл.
0.50-0.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.10 «Эҳтиром ила».
19.40, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Интер-спорт».
20.15, 21.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
22.45 «Авто News».
23.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Кинонигоҳ. «Миллий балиқ ови хусусиятлари».
1.20-1.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
РЖТ
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
10.10 Кундузги сеанс: «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.
11.25 «Фан-тайм».
11.35 «CFI янгиликлари».
11.45 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
12.30 «Инглиз тили Сиз учун».
12.55-13.45 **Дўстлик видеоканали: «Чинсэн», «Бизнен мирас», «Машриқ оҳанглари».**

ЎзТВ–IV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Британия кундалиги».
Р

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Ёр оғиз очмасқа дардим
сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар
магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон
зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса
чин ногаҳ ғазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод
агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним
эрур Ширин лақаб.

Буки кўнглумни итинг
тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани
эркин сабаб,

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё
Мажнун қилур,
Ғар эрур маъшуқ ёхуд
арманий, ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам
қўйдунг талаб водисиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб,
суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча
топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад
риоят қил адаб.

Навоий ижодида бадиий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида маҳорат билан ифодалайди. Таҳлил қилинаётган ғазал фикримизнинг ёркин далили:

Ёр оғиз очмасқа дардим
сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар
магар ул икки лаб.

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таълил санъатининг гўзал намунаси. Ҳусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Мазкур далил ўзининг бадиий гўзаллиги билан кишида завқ уйғотади, эътиборни тортади. Чунончи, келтирилган байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрмаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки «гўзал ёлғон», лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадиий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Маълумки, бадиий жиҳатдан юксак байтлар Шарқ шеъриятида шоҳбайт деб юритилади. Юқоридаги байт ана шундай шоҳбайтлар жумласига киради.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон
зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса
чин ногаҳ ғазаб.

Бу ерда шоир талмеҳ ва ташбеҳ санъатларидан фойдаланиб, маъшуқа жаҳлга минганда бу изтироб туфайли унинг кўзгудай мусаффо чеҳрасида пайдо бўладиган чизиқлар — чимирилишни Хизр алайҳиссалом топган зулматдаги оби ҳаёт чашмасининг юзида вужудга келган мавжга қиёслаяпти.

Маъшуқа чеҳрасининг зулматдаги оби ҳаёт чашмасига ташбеҳ қилиниши мазкур байтнинг тасаввуфий мазмунга эга эканлигидан далолат беради. Оби ҳаёт чашмасини зулмат яшириб тургани каби илоҳий маҳбуба рухсорини ҳам бу дунё, нафс ва жисм талабларидан иборат қалин парда тўсиб олган. Бу парда мумтоз шеъриятда образли тарзда соч тимсоли билан ифодаланади ва маъшуқанинг кундай юзи ҳамиша тундай сочлари орасида пинҳон бўлади — айни жиҳатдан у зулматдаги оби ҳаёт чашмасига ўхшайди: оби ҳаётдан ичган киши абадий умрга етишгани каби маъшуқа юзини кўрган ошиқ ҳам тасаввуфий тушунчага кўра боқий ҳаёт топади.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод
агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним
эрур Ширин лақаб.

Фарҳод ва Ширин — Шарқ адабиётида ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам машҳур ошиқ-маъшуқлар эканлиги маълум. Бу ерда шоир талмеҳ санъатини қўллаб, ўзини — Фарҳод, маъшуқасини — Ширинга менгзаш орқали ўзларининг ишқда ана шу афсонавий ошиқ-маъшуқлар мақомига кўтарилганликларига ишора қилади: «Сен мени дард тоғидаги Фарҳод деб атасанг, мен сени Ширин исмли ширин жоним дейман». Байтда, шунингдек, маъшуқа исмининг Ширинлиги ва жоннинг ширинлиги бир-бирига қиёсланаяпти, яъни жон ҳам ширин, маъшуқа ҳам ширин, бошқача айтганда, маъшуқа жондай азиз бўлса, жон маъшуқадай лазиз. Шоирнинг бошқа бир ғазалида айтилгани каби:

«ИШҚИ КОМИЛ ЭЛНИ Ё ФАРҲОД, Ё МАЖНУН ҚИЛУР...»

Борса жон — жонон йитар, ғар
борса жонон — жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр
не имкон эрур.

Қуйидаги байтда тажоҳули ориф санъатидан фойдаланилган. Бу санъат сўзлагучининг бир нарсани билгани ҳолда, ўзини билмаганга солишидан иборат. Чунончи, келтирилаётган мисолда ошиқ: «Маъшуқа итининг кўнглимга қиё боқмаётганига сабаб унинг ишқ ўтида ёниб тирик алангага айланганими ёки узоқ муддат маҳбуба васлидан бенасиб қолганидан айниб, ҳидланганими?» - деб ўзини тағофулга солмоқда:

Буки кўнглумни итинг
тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани
эркин сабаб.

Ит — тасаввуф адабиётида гоҳ рақиб, гоҳ рафиқ маъносида кенг қўлланиладиган тимсоллардан. Мазкур байтда у — дўст, кўнгилнинг элчиси маъносида келаяпти.

Энди байтни тасаввуфий маънода талқин қиладиган бўлсак, Оллоҳ бандасини ўз марҳаматига сазовор этмаётган экан, бунга сабаб унинг ё ҳирсу ҳаваслардан буткул қутулмагани, ё Парвардигорини унутиб, дунёвий ташвишлар тўрига ўралганидир.

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё
Мажнун қилур,
Ғар эрур маъшуқ ёхуд
арманий, ёхуд араб.

Бу байтда ишқ миллат танламайди, у ҳар қандай мазҳаблар, диний айирмачиликлар, дунёвий тартиб-қоидалар, майда ҳою ҳаваслардан баланд туради, деган буюк бир ҳикмат ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган. Оллоҳ — ягона, унинг олдида жамики башар қавми тенг. Шунинг учун ҳам дунёнинг буюк зотлари дину миллат ажратмаганлар. Жалолиддин Румий: «Мен етмиш икки мазҳаб билан биргамен!» - деган. Бундай маҳдудликка Оллоҳнинг ўзи ҳам изн бермайди. Бўлмаса, 50 марта ҳаж қилган, илму ахлоқда замонасининг ягонаси бўлган Шайх Санъондек буюк бир зотни насроний қизнинг девонаси қилиб қўярмиди? Бўлмаса, Чин шаҳзодаси Фарҳоднинг арман маликаси Ширинга муҳаббати асрлар давомида Шарқ адабиётида шу қадар ҳассослик билан баланд пардаларда куйланармиди?

Фарҳод ва Мажнун — комил ишқ тимсоллари. Уларнинг мақоми — комил ишқнинг натижаси. Шунинг учун ҳам комил ошиқ ё Фарҳод, ё Мажнунга ўхшайди: маъшуқанинг қайси миллат вакили бўлишининг фарқи йўқ.

Маълумки, тасаввуфга кўра Ҳаққа — илоҳий маҳбубага етишишнинг икки йўли мавжуд: тариқат воситасида ва ишқ орқали. Тариқат — Фарҳоднинг, ишқ — Мажнуннинг йўли. Демак, ошиқ қайси йўлдан бормасин, қандай қизни севмасин, охир-оқибатда ё Фарҳод, ё Мажнун мақомига эришади.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг
талаб водисиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб,
суд этмас талаб.

Фақр — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақрнинг луғавий маъноси қашшоқлик, бенаволик бўлиб, тасаввуфий тушунчада у дунёни, нафс хоҳишларини тарк этган соликнинг Оллоҳга ниёзмандлиги, Унинг қошида ўзини фақиру ҳақир ҳисоблашини билдиради. Талаб водийси — Навоий «Лисон ут-тайр» достонида санаб кўрсатган ҳақиқатга етиш йўлидаги етти водийнинг дастлабкиси. Толиб — камолот истаб, талаб водийсига қадам қўйган киши. Матлуб — толиб талаб этаётган зот, яъни Оллоҳ.

Оллоҳ таолонинг ўзи хоҳламаса, тариқатда ҳеч ким мақсадга етолмайди. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд: «Тангри жазбасидан бир жазба инсон ва пари амали учун етарлидир», - дейдилар. Шунинг учун ҳам Навоий айтадики: «Талаб йўлига кириб ҳар қанча саъй-ҳаракат этма, Худованди каримнинг ўзи хоҳламаса, илоҳий жазба — тортиш бўлмаса, мақсадга етолмайсан. Яъни, матлуб — сен талаб этаётган зот ҳам сенга толиб бўлмаса, талаб фойда бермайди

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча
топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад
риоят қил адаб.

Кўриниб турибдики, маъшуқа таърифидан бошланган ғазал ошиқ муҳаббати ва ҳолати тасвирига, ундан фалсафий мулоҳазаларга ўтиб, охири: «Эй Навоий, подшоҳ саройидаги мавқеинг ҳар қанча баланд бўлмасин, ўз ҳаддингни бил, ҳаргиз адаб доирасидан четга чиқма», - деган ижтимоий фикр, панд-насиҳат билан ниҳоясига етади

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди .

2001 йил — «Оналар ва болалар йили»



Р. АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

«БОБОДЕҲҚОН» чирой очмоқда

Денов тумани марказида жойлашган «Бободеҳқон» бозори вилоятда энг йирик ва гавжум жойлардан бири. У ўзининг шарқона кўриниши, энг муҳими, хизмат кўрсатиш маданияти билан ўзгача файзу тароват бахш этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан бу ерда сотувчи ва харидорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида замон талабларига мос усти ёпиқ расталар қуриб битказилганлиги айни муддао бўлди.

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида бор имкониятларни ишга соляпмиз, - дейди акциядорлик жамияти раиси Зиёдулло Алимардонов. — Бозоримизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзонлиги сабабли қўшни туманлардан ҳам харидорлар келишади. Ойлик патта тушумларимиз ҳам кундан-кунга ошяпти. Бир ойлик тушум 4 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилга нисбатан анча кўпдир. Хоразмдан гуруч, Самарқанддан картошка ва сабзавотларнинг мунтазам келтирилиши нархларнинг ошмаслигини таъминлаётир. Узоқдан келиб савдо қилувчилар учун 40 ўринли меҳмонхона ишлаб турибди.

Бозор ҳудудида давлат солиқ ва бошқа назорат идоралари вакилари учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Айниқса расталарнинг ихтисослаштирилиши харидорларга енгиллик яратди. Агар харидор олган маҳсулоти вазнига шубҳаси бўлса, у шу заҳотиёқ ўша ердаги навбатчига мурожаат қилиши ва назорат тарозисидан фойдаланиши мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, фьючерс шартномаси асосида олинган маҳсулотлар бозорда арзон нархларда сотилмоқда. Бу ишни бозор тайёрлов савдо бўлими амалга оширади. Ҳар ойда хўжаликлар билан 2-3 миллион сўмлик шартномалар имзоланишига эришилмоқда.

Айни пайтда бозорни янада кўркам қилиш мақсадида қайта таъмирлаш, ҳудуд атрофида қўшимча дўконлар барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги

ҒОЛИБЛАР — ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

Жиззахда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мусобақалари авж палласига кирди. Енгил атлетика, сузиш, белбоғли кураш турлари бўйича баҳслар якунланиб, ғолиблар аниқланди.

400 метрга югуришда қизлар ўртасида Тошкент вилоятидан Диля Хазиаҳмедова ва ўсмирлар ўртасида самарқандлик Зокир Аҳмедов маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, 100 метрга югуришда қизлар ўртасидаги баҳсда пойтахт вилоятидан Ольга Файрузова, ўсмирлар ўртасида фарғоналик Данияр Симагатуллинга тенг топилмади. 3000 метрлик мусобақада қизлар ўртасида наманганлик Валентина Иванова, ўсмирлар ўртасида самарқандлик Акобир Мардоновлар ҳурмат шоҳсупасидан жой эгаллашди.

Жамоалар ўртасида Тошкент вилояти ёш спортчилари 220 очко билан биринчи, наманганликлар 154 очко билан иккинчи, самарқандликлар 153 очко билан учинчи ўринга муносиб топилдилар.

Сузиш бўйича баҳслар ҳам ғоят қизғин ўтди. Жамоалар ўртасидаги биринчиликда Тошкент шаҳри вакиллари 1605 очко тўплаб мусобақага пухта ҳозирлик кўрганликларини амалда исботладилар. Навоийликлар 1028 очко билан иккинчи, Тошкент вилояти вакиллари 846 очко билан учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

50 метрга сузиш бўйича қизлар ўртасида наманганлик Диана Вишнякова 28,7 сония ўғил болалар ўртасида тошкентлик Андрей Курносов 25,4 сония кўрсатгич билан биринчи ўринни эгаллаган бўлишса, 100 метрлик баттерфлей усулида қизлар ўртасида тошкентлик Алла Сафина 1.12,9 сония, ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Павел Мушинский 59,1 сония кўрсатгич билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. 200 метрга чалқанча сузиш бўйича тошкентлик Катя Овчинникова, ўғил болалар ўртасида бухоролик Стас Режепов ғолиб бўлдилар.

Белбоғли кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда эса жамоалар бўйича Наманган вилояти ёш спортчилари 17 очко билан биринчи, Андижон вилояти полвонлари 13 очко билан иккинчи, Тошкент вилояти спортчилари 12 очко билан учинчи ўрин насиб этди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари давом этмоқда.

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Футбол

«НАСАФ» ВА «НЕФТЧИ» БАҲСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Етакчи ўйинчиларини мамлакат терма жамоасига командировка қилган «Пахтакор» тўққизинчи тур баҳсларидан озод қилинганлигидан хабарингиз бор. Қолган учрашувлар меҳмонларнинг мағлубияти билан тугади. «Турон» жамоаси «Металлург» дарвозасига киритган ягона тўп нукусликларга муҳим уч очко келтирди.

Неча турки музаффар юришларини давом эттираётган «Нефтчи» командаси Усмон Тошевнинг «Бухоро» жамоаси устидан 2:0 ҳисобида устун келган бўлса, «Насаф» командаси эса «Сўғдиёна» клубини қабул қилиб, ўйинни 3:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

«Дўстлик»-«Кимёгар» ва «Академия»-«Навбаҳор» учрашувларида ҳам 2:0 ҳисоби қайд этилди. Тошкент вилояти вакилларининг ғалабасини кутилган натижа деб қараш мумкин эса-да, олий лига дебютантининг шаштини фақат қутлаш лозим. Ҳар қалай кучлилар сафида эндигина тўп сураётган янги жамоанинг пешқадамлар ортидан изма-из бораётгани шубҳасиз таҳсинга лойиқдир.

Биз аввалги шарҳларимиздан бирида «Трактор» командасининг сафар ўйинларига ҳуши йўқлигини, шу пайтача тўплаган очколарига ўз майдонидаги баҳсларда эришганини айтиб ўтган эдик. Тошкентликлар ҳамон анъанага содиқ эканликларини исботлаб, «Семурғ» устидан 3:1 ҳисобида ишончли зафар қучдилар.

Ниҳоят, «Самарқанд-Динамо» ва «Андижон» мухлислари ҳам тантана қилдилар. «Сурхон» ва «Қизилқум» жамоаларини мос равишда 4:1 ва 3:2 ҳисобидан мағлуб этган жамоалар турнир жадвалидаги мавқеларини бироз бўлса-да, ўнглаб олдилар.

Ўнинчи тур 6 майда бўлиб ўтади. «Нефтчи» шу куни «Қизилқум» билан, «Насаф» эса Самарқанд шаҳрида Муҳсин Муҳаммадиев сардорлик қилаётган жамоа билан куч синашади.

Тўққизинчи турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Насаф»	9	8	0	1	20-7	24
2.«Нефтчи»	8	7	1	0	24-6	22
3.«Дўстлик»	9	5	1	3	18-12	16
4.«Академия»	9	5	1	3	16-11	16
5.«Пахтакор»	6	5	0	1	17-5	15
6.«Навбаҳор»	8	5	0	3	13-9	15
7.«Трактор»	9	5	0	4	15-13	15
8.«Бухоро»	9	4	1	4	15-13	13
9.«Самарқанд-Д»	8	4	1	3	17-16	13
10.«Қизилқум»	9	4	1	4	7-9	13
11.«Сурхон»	9	3	0	6	11-20	9
12.«Турон»	9	3	0	6	5-18	9
13.«Зарафшон»	8	2	2	4	12-11	8
14.«Кимёгар»	8	2	1	5	6-14	7
15.«Андижон»	8	2	1	5	9-18	7
16.«Металлург»	8	1	3	4	6-13	6
17.«Семурғ»	8	1	2	5	7-13	5
18.«Сўғдиёна»	8	1	1	6	6-15	4

«САЛОМАТЛИК» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Саломатлик» республика лойиҳаси ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

Айниқса, умумий амалиёт шифокорларида ўз касбига бўлган қизиқиши ортиб, кўникма ва тажрибалари бойиб бормоқда.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ўқув маркази томонидан тайёрланган дастур асосида уюштирилаётган таълимий жараёнлар ҳам кутилгандек кечмоқда. Сирдарё вилояти умумий амалиёт шифокорлари ҳам бой тажриба олишди.

Умумий амалиёт шифокорларини малакали мутахассислар бўлиб етишишларига қаратилган илмий анжуманлар режаси ҳам тайёрланди.

А.АЛИЕВ.

НУФУЗЛИ СТИПЕНДИЯ СОҲИБЛАРИ

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор стипендиялар таъсис этилган. Шароф Рашидов номидаги халқаро ҳайрия жамғармаси стипендиясини эса республика миқёсида 15 нафар аъло талаба олиб келмоқда.

Тошкент Давлат Молия институтида ҳам бундай имтиёз соҳиблари аниқланди. Танловдан муваффақиятли ўтган икки нафар талаба стипендия совриндори бўлди.

Олий ўқув юртининг кредит-иқтисод факультети талабаси Дилдора Шодиевага ҳам ишонч билдирилди.

Чунки бу аълочи ва изланувчан қиз иккита илмий мақола муаллифи бўлиб, инглиз тилини пухта эгаллаган.

БЕБАҲО ҚЎЛЛАНМА

Буюк маънавий бойлигимиз «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтида икки кунлик республика илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Қатор олий ўқув юртларидан вакиллар иштирок этган кенгаш «Авесто» ва миллий истиқлол ғояси: ватан тарихи, давлатчилик ва мафкура масалаларига бағишланди. Унда сўзга чиққан вилоят маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби М.Ражабов, Ўзбекистон фанлар Академиясининг академиги Ю.Буряков, Тошкент Давлат юридик институтининг профессори, педагогика фанлари доктори С.Ҳасанов, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудовлар «Авесто» асарининг ватанимиз тарихи ва давлатчилигини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида сўзладилар.

ЁЛҚИН.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6